

(Давоми. Боши 1-бетда).

билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2007 йилда фақат 13 минг нафар шахс ёки ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган. Судланганларнинг 70 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратилган билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Қонуннинг моддий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларга нисбатан овоз-ловдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин эмаслиги ҳақидаги талабни тушунтириш борасида олиб-борилган кенг қамровли ишлар зарарнинг қоплини даражасининг жиҳидий ошишига имкон берди. Охири беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланган.

олиш эҳтиёт чораси қўлланилди, айбланувчиларни қамоққа сақлаш муддатларини узайтириш ҳақидаги 10 та илтимоснома қаноатландирилди.

Судлар томонидан прокурорларнинг қамоққа олишга санкция бериш ҳақидаги илтимосномаларини рад этиш ҳоллари ҳам мавжуд бўлиб, бу янги қонунлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга хизмат қилишини тасдиқловчи ҳолдир.

Таъкидлаш жоизки, қайд этилган қонунларнинг қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш жараёни якунланмади. Ақсична, бизнинг олдимизда ҳали ҳал қилинмаган кўплаб масалалар турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини самарали таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва соддалаштириш, ундаги камчиликларни

буён шундай қилмиш учун суд томонидан тайинланадиган жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги лозим.

Таъкидлаш лозимки, бу мамлакатимизнинг инсонпарварлик ва одиллик гояларига содиқлигининг яна бир ёрқин ифодасидир.

Мазкур тузатишлар қабул қилингунга қадар, айрим ҳолларда, жинсий қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, жазоларни индивидуаллаштириш қоидаларига риоя қилинмас эди. Тугалланмаган жиноятларнинг хавфи камроқ бўлишига қарамадан, айбдорларга нисбатан асоссиз оғир жазо тайинлаш ҳоллари учраб турарди. Бу эса, ўз навбатида, фуқаролар ва судланганларнинг қариндошларининг асосли эътирозларини келтириб чиқарар эди.

Бундан буён, суд амалиётидан ту-

нинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим, даволаш ва бошқа муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқароларга ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳақидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органларига тақдим этиш мажбуриятини юклайди. Бу эса васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан мазкур болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чоралар ўз вақтида қўрилишини таъминлайди.

Миграция жараёнининг кучайиши муносабати билан одамлар савдоси қармоғи тобора кенгайиб бораётганини инобатга олиб, ҳозирги вақтда жаҳонда бу жиноятларга қарши курашиш масаласининг долзарблиги ортомқда. Утган йилнинг февраль ойида Вена шаҳрида (Австрия) одамлар савдосига қарши курашиш мавзусига бағишланган халқаро конференциянинг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг маънавий давоми бўлди.

Адвокатуранинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги тугган ўрнидан келиб чиқиб, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси сифатида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, адвокатура институтини ислоҳ қилиш жараёни мустақиллик эълон қилинган дастлабки йилларда бошланган. Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Абдуганиевич Қаримов биринчи қаҳриққ Ўзбекистон Респуб-

фат жиҳатидан берилаётган янги мақом, албатта, адвокатларнинг профессионалиги, компетентлиги, виждонлиги ва ҳалоллиги учун жамият олдидаги масъулиятини оширади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ислохотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бир қисmini ташкил қилади, ҳолос.

Охириги ярим йил ичида қабул қилинган қонунлар билан қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-иқроия кодексларига ўзгаришлар киритилди. Ушбу тузатишлар жарима тариқасидаги жинсий жазони мажбурий ундириш ва жазони ижро этиш муассасасини ўзбoимчилик билан тарқ этган маҳкумга нисбатан колония турини алмашти-

ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ – СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

Либераллаштириш сиёсатининг самарадорлиги жиний жазолар тизимини янада энгиллаштириш мумкинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йилнинг 1 августидан имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги ҳамда 2005 йилнинг 8 августидан имзоланган "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги фармонлар суд-ҳуқуқ соҳасини либераллаштириш жараёнининг маънавий давоми бўлди.

Мазкур фармонлар асосида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ишлаб чиқилиб, 2007 йил 11 июлда қабул қилинди.

Ушбу қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш учун барча ташкилий-тайёргарлик ва тушунтириш ишларини амалга оширишга анча узоқ муддат "ажратилди". Бу борада қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тажрибали ходимлари ҳамда кенг жамоатчиликнинг фикри инобатга олинди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровлар шунини кўрсатдики, кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ўлим жазосининг тарафдорлари сезиларли даражада камайиб, мамлакатимиз аҳолисининг мутлақ кўпчилиги (90 фоиз) давлат раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақидаги қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватлади.

2008 йилнинг 1 январидан янги қонунлар кучга кириб, амалиётда қўлланила бошлади. Шунда ҳақиқий бир савол туғилиши мумкин: ҳозирги кунда мазкур қонунлар қандай ишлагапти, қутилган натижаларга эришилдими-йўқми?

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ҳозирда қонунлар тўлиқ ҳақида ишламоқда ва уларни қўллаш борасида деярли муаммолар мавжуд эмас. Масалан, 2008 йилнинг 1-чоратида прокурорларнинг илтимосномалари асосида судлар томонидан 3,272 нафар айбланувчига нисбатан қамоққа

бартаф қилишга қаратилган қатор янги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши бунинг аққол исботидир.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 декабрдаги Қонуни билан Жиноят-процессуал кодексининг 332 ва 351-моддаларига киритилган ўзгаришлар жиноят ишларини бирлаштириш ва ажратишда дастлабки тергов муддатларини ҳисоблашнинг қатъий тартибини белгилаб берди. Мазкур тартибга кўра, жиноят ишлари бирлаштирилганда улар бўйича иш юритиш муддати узоқроқ муддат давомида тергов қилинган жиноят иши бўйича белгиланади, жиноят ишини ажратишда эса бу жиноят иши қайси жиноят ишидан алоҳида иш юритишга ажратилган бўлса, ўша иш кўзга тутилган пайтдан ҳисобланади.

Қайд этиш керакики, қонунчиликда илгари мавжуд бўлган ушбу камчилик туфайли терговчилар томонидан самарасиз ўтказиб юборилган тергов муддатини узайтириш йўли билан эмас, балки жиноят ишларини асоссиз бирлаштириш ва ажратиш ҳамда иш юритиш муддатини янги кўзга тутилган жиноят иши бўйича ҳисоблаш орқали тергов муддатини тиклашдан иборат салбий амалиёт вужудга келган эди.

Бундан ташқари, тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши кўзга тутилган ҳолда алоҳида иш юритишга ажратилиши лозимлиги ҳақидаги норма жиноятларнинг, жиноят ишининг бир қисmini материал тариқасида ажратиш йўли билан ҳисобдан яшириш ҳолларига чек қўйди.

Янги киритилган юқоридаги қонунлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан ижобий баҳоланди ва тергов ходимларининг масъулиятини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳолларининг олдини олишга қаратилган ўз вақтида қўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланишига замин яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 11 апрелдаги Қонуни билан Жиноят кодексининг 58-моддасига киритилган ҳамда жиноятга тайёргарлик ва унга суқмасд учун жазонинг юқори чегарасини белгилашдан иборат бўлган ўзгаришлар жиний жавобгарликни янада либераллаштириш борасида муҳим қадамлардан бири бўлди. Бундан

галланмаган жиноятлар учун максимум жазо тайинлаш имконияти чиқариб ташланди.

2008 йил 11 апрелда деб эълон қилинганлиги муносабати билан 2008 йил 16 апрелда "Воёга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари" такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Қайд этиш жоизки, ҳуқуқимиз ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича Комиссия томонидан воёга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қўрилган чоралар, шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида охириги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда.

Шу билан бирга, оила, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасаларининг тарбиявий потенциали усайиши, ота-оналар томонидан болаларни тарбиялаш ва ўқитиш билан боғлиқ мажбуриятлар етарли бажарилмаётганилиги, уларга салбий таъсир кўрсатилаётганилиги воёга етмаганлар томонидан жиноятлар содир этилишининг сабабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Шунинг учун бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чораларни ўз вақтида қўриш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида тилга олинган қонун воёга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадини кўзлабди ва воёга етмаган шахсларнинг моддий таъминлашдан бўйин товлаш ҳамда уларни гайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жиний жазо чораларини қучайтириш назарда тутади.

Бундан ташқари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотларни васийлик ва ҳомийлик органига ҳабар қилмаслик, уларни жойлаштиришда қонун талабларини бузиш ҳамда воёга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилганлик учун мазкур қонун билан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни ва Оила кодексига киритилган ўзгаришлар фуқаролар-

маълумотларига кўра, ҳар йили 2,7 млн. нафарга яқин шахс бу жиноятнинг қурбони бўлиб, уларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади.

Шу муносабат билан республика-мизда бу иллатга қарши курашиш масалалари давлат миқёсида халқ кўлинишда. Ҳозирда Ўзбекистон одамларнинг нолегал трафикига қарши курашиш ва унинг қурбонлари жиний ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини ташкил қилувчи асосий халқаро ҳужжатлар, шу жумладан, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлашнинг фуқаролик аспекти тўғрисидаги Гага Конвенцияси, Одамлар савдосига ва унинг шахслар томонидан фоҳишалиқда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция ва унга Яқунловчи баённома, БМТнинг Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича Конвенциясини тўлдирувчи, 2000 йилнинг 15 декабрда қабул қилинган "Одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги Баённомада одамлар савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишнинг самарали чораларини қўриш учун бундай савдонинг олдини олишга, бу фаолият билан шуғулланувчи шахсларни жазолашга ва унинг қурбонларини, шу жумладан, уларнинг халқаро эътироф этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз ичига олган кенг қамровли халқаро ёндашув зарурлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Одамлар савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда мазкур Баённоманинг қоидаларини миллий қонунчиликка сингирдириш мақсадида 2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу Қонунда "одам савдоси" ва "одамлардан фойдаланиш" тушунчалари белгиланган, одам савдосига қарши курашиш тизимининг ташкил этилиши тартиби, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси қурбонларининг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари ёритилган.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажариётганини тасдиқловчи яна бир далилдир.

Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро шартномаларга содиқлигини ва ўзининг халқаро мажбуриятларини бажариётганини тасдиқловчи яна бир далилдир.

ликеси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида адвокатлар тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кўтариш лозимлигини, улар, биринчи навбатда, судлов амалиётда конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шарни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишлари кераклигини таъкидлаган эди.

Кейинчалик қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги "Адвокатура тўғрисида"ги ва 1998 йил 25 декабрдаги "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлари илк бор мустақил Ўзбекистонда адвокатуранинг самарали фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий асослар яратиб, адвокатларнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятининг асосий кафолатларини мустаҳкамлади.

Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони — фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатлар мустақиллигининг кафолатларини қучайтириш ва ушбу касбнинг обрўси ҳамда нуфузини оширишга қаратилган навбатдаги муҳим қадамдир.

Фармонда адвокатурани ислоҳ қилишнинг қатор асосий йўналишлари, шу жумладан, адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни қучайтириш, уларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш, айблов ва ҳимоя тарофларининг процессуал ҳуқуқлари тенглиги ва шу каби бошқа масалалар кўзда тутилган.

Фармонга асосан тузилаётган Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг худудий тузилмалари адвокатлик уюшмасининг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этиб, Адвокатлар ассоциациясининг ўрнини эгаллайди. Ушбу нотижорат ташкилот фуқаролик жамиятининг белгиси сифатида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, адвокатурани янада ривожлантириш, адвокатларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъкиблардан ҳимоя қилиш ҳамда улар томонидан қонунчилик ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилишга хизмат қилади.

Фармон билан адвокатурага си-

риш масалаларини ҳал қилиш тартибларини такомиллаштириш, судловга тегишлилик қоидаларини ўзгариштириш, қимор ўйинларини ноқонуний ташкил этиш ва ўтказиш учун жавобгарликни қучайтиришга қаратилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгаришларга биноан, қимор ўйинларида қонунга хилоф равишда иштирок этиш, бундай ўйинларга воёга етмаганларни жалб этиш, шунингдек, ҳайдовчилар томонидан транспорт воситасини бошқариш пайтида телефон, теле-, видеомонитордан фойдаланиш ҳамда хавфсизлик камаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Бундан ташқари, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатда тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузувчилик учун жавобгарликни қучайтириш, фаолият билан лицензия-сиз шуғулланганлик учун жавобгарликни белгилаш, ҳужжалик судларининг қарорларини фуқароларнинг шикоятлари асосида назорат тартибда қўриб чиқишни белгиловчи ҳужжалик процессуал қонун нормаларини такомиллаштиришга оид ва бошқа қонун лойиҳалари қўриб чиқилмоқда.

Шундай қилиб, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлатимиздаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг турли баҳалари қамраб олинган. Бунинг сабаби — жамият ва давлатни демократлаштириш жараёни бир соҳа билан чегараланмасдан, кенг қамровли ҳусузиятга эгалигидадир. Бунда, демократлаштириш деганда, нафақат жавобгарлик чораларини энгиллаштириш, бирор-бир жараёнини соддалаштириш, балки қонунчиликдаги камчиликларни бартаф этиш, уни замон талабларига мувофиқлаштиришнинг ҳам тушуниш керак.

Ҳамма бир нарсани англаши зарур: амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократ ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

Решитжон ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Киоко Постилл. — Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини изчил амалга оширомоқда. Хусусан, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган ҳужжатлар нормалари билан уйғундир.

Халқаро семинар иштирокчилари давлатимиз раҳбари Фармони билан тасдиқланган Тадбирлар дастурини амалга оширишда кенг жамоатчиликни қамраб олиш, айниқса, бу ишларга маҳаллий кенгашлар депутатларини, нодавлат ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларини жалб этиш зарурлигини таъкидладилар.

АХБОРОТЛАШТИРИШ — ДАВР ТАҚВОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси мажлисида "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидаги ижроси ахборот чиклиди. Унда вазирликнинг қўмитаси тинланди.

Таъкидланганидек, юқорида номи зикр этилган Қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўнга яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Улар олий таълим муассасаларида ахборот тизимларини яратиш, халқаро ахборот тармоқлари ва Интернетдан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш, ахборот ресурсларини шакллантириш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган.

Шу бос, кейинги пайтларда олий таълим муассасаларини компьютерлаштириш жараёни жадаллашди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги ҳолатига кўра, олий ўқув юрталарида компьютерлар сони 23420 тага етди. Махсус таълим муассасаларида эса бу рақам 30683 тани ташкил этгани эътиборга молик.

Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони ҳам тез суръатларда ошмоқда. Чунки, жорий йил биринчи чорагида институт ва университетларнинг 63265 нафар профессор-ўқитувчиси ҳамда талабаси, касб-ҳунар коллежларининг 52361 нафар мураббий ва ўқувчиси халқаро тармоқдан фаол фойдаланган.

Депутатлар "ZiyoNET" ахборот таълим тармоғига улашиш имконияти мавжудлигини, унинг таркибидаги ахборот-ресурслар сони бугунги кунда 6000 тага етганини эътироф этишди. Ваҳоланки, 2005

йилда уларнинг сони бор-йўғи 300 та эди.

Шунингдек, йилги иштирокчилари Қонун ижроси юзасидан эришилган ютуқлар қатори, баъзи муаммо ва камчиликлар ҳам борлигини таъкидлашди. Айрим олий ўқув юрталарида ахборот-ресурсларни шакллантириш ишлари оқсамоқда. Шунингдек, таълим муассасаларининг "ZiyoNET" ахборот таълим тармоғига улашиш жараёни суст кечмоқда. Тегишли ҳужжатларга кўра, 2006 йилгача 60 та олий таълим муассасаси, 643 та касб-ҳунар коллежи мазкур тармоққа улашиши лозим бўлгани ҳолда, амалда бу иш 39 та олий ўқув юртидагина амалга оширилган. Биронта кам коллеж бу борада жўяли тадбир олиб бормоган.

Қўмита йилги ишда тегишли қарор қабул қилиниб, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг тизимидаги ижроси юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

МАҚСАДЛИ ХАРАЖАТ УСТУВОРЛИГИ

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан уюштирилган йилги ижтимоий муҳофаза масаласига бағишланди. Қўмита аъзолари бу жабҳадаги

тадбирларни, хусусан, болани икки ёшга тўлгунга қадар парвартириш билан банд бўлган, бюджет ташкилотлари ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа корхоналарда ишловчи оналарга нафақа тайинлаш ва тўлаш борасида республикамизда амалга оширилаётган ишларни ўрганиб чиқишди.

Тақдирлар шунини кўрсатдики, юрти-мизда ижтимоий ҳимоя муҳтожларни аниқ йўналтирилган қўллаб-қувватлаш тизими йўлга қўйилган бўлиб, кенг қўламли ишлар олиб бориломоқда. Хусусан, 2007 йилги Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан икки ёшга фарзанди бўлган 703,9 минг нафар онага 238,5 миллиард сўмлик нафақа тўланган. Жорий йилги Давлат бюджет харажатларида 282,3 миллиард сўм миқдорда нафақа тўловлари кўзда тутилган. Ушбу турдаги нафақа тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилиши ижтимоий адолат, ҳолислик ва ошқоралик тамойиллари асосида амалга ошириш таъминламоқда.

Депутатлар мазкур йўналишда айрим камчилик ва хатоликлар кўзга ташланаётганини қайд этишди. Хусусан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини аҳоли орасида тушунтириш ишлари қиңқарли эмас. Қолаверса, айрим туманларда банклар аҳолини нафақа пуллари билан ўз вақтида таъминламаётгани таъкидланди. Уларни ҳал этиш юзасидан мутасадди вазирлик ва идораларга тавсиялар берилди.

Қобил ХИДИРОВ.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ШАРОФАТИ

Кейинги йилларда Фаргона вилоятида ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, соҳага янги технологияларни жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиломоқда. Қувасов шаҳридаги "Қвар" акциядорлик жамияти ана шундай корхоналар сирасига кирди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ишча ва ойна маҳсулотлари сифат жиҳатидан халқаро стандартларга тўла мос келади.

Буюк Британия парламентида Ўзбекистон тақдироти

(Давоми. Боши 1-бетда). Тадбир давомида тарқатилган Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг маърузалари, турли китоблар, журналлар, пресс-релизлар, рисоалар, компакт-дисклар, сайёҳлик буклетлари, шунингдек, республикамиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётини ҳар томонлама ёритиб берувчи бошқа материаллар меҳмонларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Брифинг чоғида Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий тармоқлари, экспорт ва импорт тузилмалари, транспорт-коммуникация йўналишларининг диверсификацияси, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, диний муассасалар фаолияти, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш бўйича Ўзбекистоннинг мавқеи, ядро қуролини тарқатмаслик ва Оролбўйи муаммоларини ҳал этиш истиқболлари каби масалалар хусусида атрафлича сўз юритилди.

Музоқара иштирокчилари Ўзбекистон бой тарих ва кўна маданиятга, шунингдек, юксак интеллектуал салоҳиятга эга давлат эканини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистонда замонавий самолётлар, автомобиллар ва кенг турдаги истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқаришга имкон берувчи ҳамда хорижий мамлакатлар билан транспорт коммуникацияларини жадвал ривожлантиришга хизмат қилувчи улкан sanoat базаси мавжуд эканига эътибор қаратилди.

Буюк Британия вакиллари мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларни, жумладан, ўлим жазосининг бекор қилингани ва «Хабас корпус» институтининг жорий этилаётганини ижобий баҳоладилар.

Лондондаги тадбир иштирокчилари Марказий Осиё физисизлиги ва барқарорлигида бевосита таъсир этаятган Афғонистондаги нотинч вазиятнинг барча мураккаблигини чуқур англаш нечоғли долзарб эканини таъкидладилар. Британиялик мутахассислар бу муҳим халқаро муаммо юзасидан Ўзбекистон томони илгари сураётган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш зарурлигини қайд этдилар.

«Жаҳон» АА
Лондон шаҳри

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хозир 28 сугурта компанияси, бир нечта қайта сугуртлаш компанияси, сугурта брокери, асистанс хизмати фаолият юритмоқда. 2007 йил якунига кўра, республикамиз сугурталовчилари ихтиёрий ва мажбурий сугурта турлари бўйича 72,3 миллиард сўмдан ортиқ сугурта муқофоти жамғарди. Бу 2006 йилдагига нисбатан 45,5 фоиз кўп мақдир. Миллий сугурталовчилар томонидан аҳолига 200 дан ортиқ хизмат тури так-

Сугурта бизнеси истиқболли

лиф этилаётир. Ҳар бир сугурта компанияси бозор талаблари ва амалдаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда, сифатли рақобатбардош хизмат кўрсатишга интилоқда. Пойтахтимизда Ўзбекистонда сугурта бизнеси: бугунги ҳолат ва истиқболли, ушбу масаланинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган форумда шулар

ҳақида гап борди. Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М. Мирзаев, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж. Ҳақимов ва бошқалар давлатимиз раҳбарининг «Сугурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қароридан бағишланган устувор вазифаларнинг ижроси оммавий ахборот воситалари зиммасига ҳам катта масъулият юклашга таъкидлади. Жумладан, миллий сугурта бозорини ислоҳ қилиш жараёнида эришилган натижаларни кенг жамоатчиликка етказиш ва аҳолининг сугурта маданияти-

ни юксалтириш, бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланиш зарур. Президентимизнинг шу йил 21 майда қабул қилинган «Сугурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори соҳадаги ишлар кўламини янги босқичга кўтаришда яна бир муҳим қадам бўлди. Зеро, маъмур қарор сугурта фаолиятини янада такомиллаштириш, сугурталовчиларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ҳудудий тармоқларини кенгайтириш ва сугурта компанияларининг инвестицион жаравлардаги иштирокини рағбатлантиришга хизмат қилади. Форум доирасида «Ўзбекистонда сугурта бизнеси» китоби тақдими ўтказилди.

Нургул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

солиқ тўловчи юридик шахсларга қуйидаги давлат интерактив хизматлари кўрсатиши ҳақида эълон қилади:

1. Назорат қилувчи органларнинг тегишли даврда хўжалик юритувчи субъектларни текширувдан ўтказиш режа-жадвалидан кўчирма бериш.
2. Бюджет ва бюджетдан ташқари ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маълумот бериш.
3. Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва уни устида ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш бўйича хизмат кўрсатиши.

Хизматлар солиқ хизматининг www.soliq.uz расмий сайтыда электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда кўрсатилади.

Барча қўшимча маълумотлар қуйидаги сайтда: www.soliq.uz

Р. ГЛИЭР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚИЙ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ

(мактаб синфларига) 2008-2009 ўқув йилига 1 ва 5-синфларга ўқувчилар қабул қилиниши эълон қилади.

Хужжатлар 2008 йил 19 майдан 6 июнь соат 16.00 га қадар қабул қилинади.

Маслаҳат кунлари 26 майдан 6 июнгача ҳар кун соат 9.00 дан 12.00 гача ва 17.00 дан 19.00 гача.

Қабул имтиҳонлари 7 ва 8 июнь кунлари бўлиб ўтади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Саидова кўчаси, 4-уй. Телефон: 246-03-24. Транспорт: 28, 76, 131, 87, 34-автобуслар, 2, 4-троллейбусларнинг «Талабалар шаҳарчаси» бекати.

Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ

2008 йил 27 июнь куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносидан ўтказилаётган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулкларни кўймоқда:

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2006 йил 29 сентябрдаги 10-0612/2622-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, К. Шарипов кўчаси 25-«А» уй (собиқ 36-уй) манзилида жойлашган, «Тошметроқурилиш» трестининг 2-сон туннель отрядига тегишли, умумий майдони 4158,0 кв.м дан ташкил тоналган механик цех биноси.

Бошланғич баҳоси — 242 195 000 сўм.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан 2008 йил 22 февралдаги 2907-09/9-сонли ижро ҳужжати асосан тақдим этилган «СНДУС» кўшма корхонасига тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари:

- * Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Саидкарим Умарали» МЧЖнинг автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВА405 бўлган «НЕКСИЯ ДОНС» русумли автотранспорт воситаси.
- Бошланғич баҳоси — 14 342 850 сўм.**
- * Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Саидкарим Умарали» МЧЖнинг автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВС738 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси.
- Бошланғич баҳоси — 9 964 000 сўм.**
- * Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Эшонгузар» ҚФЙ, «Ўзбекистон овози» кўчаси, 12-уй манзилидаги «Саидкарим Умарали» МЧЖнинг автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВС739 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси.
- Бошланғич баҳоси — 9 896 000 сўм.**
- * ИИББ ТБнинг автомобилларни сақлаш майдончасида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10ВВ872 бўлган «Газель» русумли автотранспорт воситаси.
- Бошланғич баҳоси — 8 074 064 сўм 80 тийин.**

Ушбу мулкларни суд ижрочилиги иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номини, ижро ҳужжат рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, ҳисоб рақами 20208000804234776001 тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтайтилади.

Лицензия ДВ801-000010.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 238-69-94, 238-69-93.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Хитойда яна ер силкинди

Якшанба кўни Хитойда яна ер қимирлади.

Рихтер шкаласи бўйича 5,8 баллга тенг бўлган зилзила 70 мингдан зиёд биноларни вайронга айлантирди. «Ассошайтед пресс» ахборот агентлиги хабарига таъкидлашicha, ер силқиниши оқибатида 260 киши тан жароҳати олган.

Эслаб ўтамиз, сўнгги ўттиз йил ичида Хитойдаги энг кучли ер қимирлаши шу йил 12 май куни (7,8 балл) содир бўлган. Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офат 65 минг 80 нафар фуқаронинг ҳаётига зомин бўлган. Яна 23 минг 150 киши бедарак йўқолгани айтилмоқда.

Марказий штатларда кучли торнадо

АҚШнинг марказий штатларида торнадо кузатилмоқда.

«Рейтер» ахборот агентлиги хабарига айтилишича, кучли шамол саккиз кишининг ҳаётига зомин бўлди.

Айова штатидаги хавфсизлик хизмати вакиллари тўфон оқибатида элликдан ошқ аҳоли турли жароҳатлар олиб шифохонага ётқизилганини билдирди. Яна 20 киши бедарак йўқолгани маълум қилинмоқда.

Айни пайтда кўпгина штатлар электр энергияси қолган.

Қалбакилаштирилган дори воситаларидан эҳтиёт бўлинг!

Қалбакилаштирилган дори воситалари бу истеъмолчи саломатлиги учун жиддий хавфдир. Уларда тасвир этувчи молдалар унуман бўлмаслиги ёки аксинча таркибида зарарли, заҳарли ва бошқа салбий оқибатларга олиб келадиган моддалар бўлиши мумкин. Қалбакилаштирилган дори воситаларини истеъмол қилиш натижасида беморнинг соғлиги оғирлашса ёки ўлимга олиб келса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарлик ушбу дори воситасини сотган дорихона муассасаси раҳбари зиммасига тушади.

Сўнгги йилларда қалбакилаштирилган дори воситалари сони кўпайиб бормоқда. Хусусан, «Ринза» савдо белгиси остидаги қалбаки дорилар фикримизга ёрқин далиллар.

2006 йилда «Ринза» таблеткалари № 10» дори воситасининг 3 та қалбакилаштирилган нусхаси аниқланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 8 тага етди. 2008 йилнинг февраль ойида эса қалбакилаштирилган «Ринза» таблеткаларининг умумий сони 9 тага, ташкил этли. Шунингдек, 5 граммли пакетчалардаги «Ринза СИП» эритилувчи кукун дори воситасининг қалбакилаштирилган 2 та серияси фож этилди.

Қуйида қалбакилаштирилган дори воситаларининг сериялари келтирилган:

- «Ринза» таблеткаси №10-серияси U6198, BT-172, BT-173, 140106, 011205, 01402, R013.
- «Ринза» таблеткаси №4-серияси 010807
- «Ринза СИП» эритилувчи кукуни 5 граммли пакетчаларда №5 серияда - L6137, B-6130 бўлади.

Эсингизда тутиш!

Қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситалари қутилган самарани бермайди ва у соғлиқ учун ўта хавфли. Қалбаки дори воситасининг сотилиши натижасида юзага келган барча нохушлиқлар учун

дорихона муассасаси раҳбари жавобгардир.

Дорихоналарда «Ринза» дори воситаларини сотиб олишда мувофиқлик сертификати ёки ҳисоб-фактурада кўрсатилган сертификация тўғрисидаги маълумот, шунингдек, касса аппарати чекини талаб қилинг. Дори воситаси қутисидан кўрсатилган препарат серияси мувофиқ сертификатидан кўрсатилган серияга мослигини текшириб кўринг.

Агарда «Ринза» препаратни ёрдам бермас ёки унга нисбатан сизда шубҳа пайдо бўлса, сиз препаратни сотиб олган дорихона муассасаси раҳбарига мурожаат қилинг ёки «Ринза» қутисини, касса аппарати чекини «Фармед» ХФга олиб келинг. Биз қалбакилаштирилган «Ринза» дори воситасини трипл ҳамда шамоллашда самарали ёрдам берувчи оригинал «Ринза» препаратига бепул алмаштириб берамиз. Биз сизнинг саломатлигингизни қадраймиз.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Мурожаат учун «Фармед» хусусий фирмасининг телефонлари: 228-55-00, 228-55-66

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Хоразм вилоят филиали

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида 2008 йил 17 июнь куни соат 11:00да такрорий бўлиб ўтаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Хоразм вилояти, Урганч шаҳар суд ижрочилиги бўлими томонидан қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Туямўйин Урганч» минтақалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 14296,65 кв.м., шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв.м. бўлган, коммунал хизматлари билан жиҳозланган, уч қаватдан иборат «Маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолар». Жорий бошланғич баҳоси — 207 280 000 сўм.
2. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 5802-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразмавтоүй» МЙФБга қарашли, Урганч шаҳри, Шовот канали бўйида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 570,92 кв.м. бўлган, бир қаватдан иборат, хозирги талаблар асосида қурилган, «Истиқлол» кафетерийси. Жорий бошланғич баҳоси — 89 990 691 сўм.
3. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 19 июлдаги 1-357/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автоүй» МЙФБ омиборида сақланаётган, «Ниссан-Патруль» русумли, д/р 30С5445 бўлган, 1998 йилда и/ч, техник соз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 50 804 556 сўм.

Юқоридagi кўчмас мулклар ва автотранспорт воситаси билан шаҳар суд ижрочилиги бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қилиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтайтилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини хар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Хоразм вилоят филиалининг АТИБ «Ипотекбанк» Тинчлик филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00580, ИHN:200933850, ҳисоб рақами: 20210000700571452056.

Манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Й.Бобожонова кўчаси, 23-уй. Телефонлар: 226-3263, 226-4364.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

қуйидаги кафедраларнинг шаҳодатланган профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади:

- * **Божхона назоратини ташкил этиш кафедраси: профессор.**
- * **Ташиқ иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқариш кафедраси: доцент, катта ўқитувчи.**
- * **Божхона статистикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: кафедра бошлиғи, профессор, катта ўқитувчи, ўқитувчи.**
- * **Махсус фанлар кафедраси: доцент, ўқитувчи.**
- * **Юридик фанлар кафедраси: кафедра бошлиғи, профессор, доцент.**
- * **Ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик, автомобиль иши кафедраси: доцент, ўқитувчи.**
- * **Ихтисос фанлар кафедраси: кафедра бошлиғи, доцент, профессор.**

Танловда иштирок этиш истаги бўлган номзодлар Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институтининг кадрлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Ишга кириш истагини билдирганлар ўзлари билан паспорт, ҳарбий гувоҳнома ва олий ўқув юртини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломлари билан келишлари лозим.

Мурожаат учун манзил: Олий ҳарбий божхона институти, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробат 2-тор кўчаси, 118-уй. Телефонлар: 244-96-43, 244-56-26, 233-29-26.

Элчидан норози

Зимбабве президенти Роберт Мугабе мамлакатдаги АҚШ элчиси Жеймс МакГини ўз юртига қайтариш юбориши мумкин.

«Би-би-си» телеканали хабарига айтилишича, Мугабе элчининг иш фаолиятини норози. Унинг сўзларига кўра, МакГини ўз вазифасини бажармай, мамлакатнинг ички ишларига аралашмоқда.

Шуни айтиш жоизки, бундан бир неча ҳафта илгари Жеймс МакГини журналистларга Зимбабведаги вазиятга нотўғри юритилаётган сиёсат сабаб эканини таъкидлаганди.

Рекорд ўрнатилди...ми?

27 май куни дунёда баландликдан сакраш бўйича янги рекорд ўрнатилиши мумкин.

Агар ушбу сакраш муваффақиятли бажарилса, Мишель бир эмас, тўрт марта рекорд ўрнатади. Бундан ташқари, у 19 миллион АҚШ доллари ҳам эга бўлади. Мазкур воқеа Канаданинг Саскачеван музофотида маҳаллий вақт билан 02:30 да амалга оширилади.

Шу кунгача баландликдан сакраш бўйича рекорд Россиялик Евгений Андреевга (24483 метр) тегишли эди.

Breitbart.com интернет сайтыда ёзилишича, 64 ёшли Франциялик парашютчи, нафақадаги ҳарбий Мишель Фурнье 40 км. баландликдан сакрайди.

Хоризх матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Дунёда савоб ишлар кўп. Хайр-саховат, одамларга яхшилик, эзгулик улашни ҳаётининг асл мазмуни, деб биладиганлар ҳам бисёр. Орамизда шундай кишилар борки, уларни илму маърифат ривожи, ёш авлод таълим-тарбияси хусусида мудом қайғуриб яшайдиган фидойилар дейиш мумкин.

Ўтатган йилимиз мамлакатимизда Ёшлар йили деб атади. Бу борада давлат дастури қабул қилинди ва унда белгиланган вазифалар изчил амалга ошириляпти. Табиийки, ундаги асарият мақсадларга жуда катта маблағлар эвазига эришилади. Бинобарин, давлатимиз ёшлар камолотини юрт истиқболи деб билади ва бундан маблағни аямайди. Эътиборга молик яна бир жиҳат шуки, Ёшлар йилида амалга ошириладиган ва умуман, бундан буюн изчил давом этадиган хайрли ишларга кўплаб қўли очик тadbиркорлар, саховатпеша ҳомийлар баҳоликдурат бoш қўшишяпти.

САХОВАТНИНГ САВОБИ КАТТА

— Мактабимизда 1050 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаёпти, — дейди шаҳардаги 3-мактаб директори Манзура Хамроева. — «Ўткир» фирмаси вакиллари бундай акция ўтказиш тақдирини билдиришганда, очиги, хурсанд бўлдик. Негаки, таълим-тарбияни ривожлантириш, ёшларимизни бекам куёт воёга етказишда ҳомийликнинг аҳамияти катта. Бировга кўнгилдан чиқариб, ҳолис, бегараз ёрдам бера оладиганларнинг борлиги қандай яхши!

2008 Ёшлар йили

ди ўқувчи Артур Ким. — Бугун бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай ўқишимиз, изланишимиз учун ғамхўрлик қилинаётган экан, бу, албатта, келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди. Ҳаётда ўз ўрнини топиб, катта тadbиркор бўлиб кетсам, мен ҳам ўзим ўқиган мактабимга доим кўмак бериб тураман.

фирмаси ташаббуси ва кўмагида уюштирилган айна шу руҳдаги тadbирлар доирасида 2500 нафардан зиёд ўқувчи, 360 нафар мураббийга, 36 нафар ногиронга, 100 нафарга яқин иқтидорли ёшларга бегараз ёрдам кўрсатилди.



мавсумий пойабзаллар, кийим-бошлар тўхта этишди. Шаҳардаги 4, 5, 6, 8, 12, 13, 15, 16, 17, 18-умумтаълим мактабларида ўтказилган акция қамрови ҳам булардан кам бўлган йўқ. Уларда ҳам асосий эътибор иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оила фарзандларига моддий кўмак беришга, шунингдек, педагоглари рағбатлантиришга қаратилди. Умуман, «Ўткир»

Гулчехра Маҳмудованинг бу ташаббуси чинданам эътиборга сазовор. Энг муҳими, тadbиркорнинг эзгу нияти ижобат бўлиб, бу ғамхўрлик келажакимиз эгаларининг кўнглида яхшилик, одамийлик куртакларининг ниш уришига хизмат қилажақ...

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Доврон АХМАД олган суратлар.

Спорт • Sport • Спорт

22-25 май кунлари пойтахтимиз яна бир йirik спорт мусобақасига мезбонлик қилди. Спортнинг универсал жанг тури бўйича Осиё оқик чемпионати зўр муваффақият билан уюштирилди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

ПОЙТАХТИМИЗДА

Халқаро универсал жанг федерацияси томонидан мазкур мусобақанинг мамлакатимизда ўтказилгани беҳиз эмас. Ортимида кейинги йилларда спортнинг мазкур тури жадал ривожланмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда универсал жанг бўйича жaxon чемпионати ташкилий жиҳатдан яхши ўтганлиги сабабли мутахассисларда илиқ таассурот қолдиранди. Шу сабабли халқаро универсал жанг федерацияси Осиё оқик чемпионати айна Тошкентда ўтказишни маъқул қўлди.



Тўрт кун давом этган беллашувларда Россия, Озарбойжон, Беларусь, Молдова, Эрон, Индонезия, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон каби жами йилгирмадан ортик давлат спортчилари медаллар учун кураш олиб боришди.

Ўзбекистонлик спортчиларнинг Хитой пойтахти Пекинда бўладиган ХХІХ ёғи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи йўлланмалари сонини яна тўрттага қўлайди.

Яна тўртта йўлланма

Тошкентда енгил атлетика бўйича йўлланма берувчи мамлакат оқик чемпионати бўлиб ўтди. Унда Олег Норматов (110 метрга тўсиқлар оша югуришда), Леонид Андреев (лангачтўда сакраш), Павел Андреев (ўн кураш), Юлия Тарасова (етти кураш)да Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритдилар.

«Қурувчи»нинг рақибий маълум

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал баҳсларига кураш ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Унга кура, «Қурувчи» чорак финалда Эроннинг «Сайпа» клубига қарши тўп сурайдиган бўлди. Таъкидлаш лозимки, «Қурувчи» ҳам, «Сайпа» ҳам Осиё чемпионлар лигасида илк бор иштирок этишмоқда. Чорак финалнинг дастлабки ўйини 17 сентябрь кунини Эронда, жавоб учрашуви эса 24 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтади.



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«ЖОЗИБАДОР ТАБАССУМ»

Қарий ўн йилдан буюн мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жағғармаси «Prokter & Gamble» компанияси, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари билан ҳамкорликда «Жозибадор табассум» ўқув-соғломлаштириш дастурини амалга ошириб келмоқда.

Куни кеча Тошкентдаги 28-мактабда соғлом турмуш тарзини тарбия этувчи ушбу дастурнинг яқиний босқичи бўлиб ўтди. Унда голибликни қўлга киритган ёшларнинг номи 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида эълон қилинадиган бўлди.

М. ХОЛМАТОВА.

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўлган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг гурур-ифтихори бўлиши азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилей рамзи (эмблемасининг энг яхши лойиҳаси учун

ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Танлов шартлари: — шаҳарнинг рамзи, қадимий ва замонавий обидалари, умумий ва алоҳида кўринишларини акс эттириш ва, аввало, Тошкентнинг жаҳон маданий мероси даражасидаги тасвирий элементини топиш ва бадий ифодасини яратиш талаб этилади; — тақлиф этилаётган лойиҳа имкон борича қўшимча тафсилот ва эпиграфик маълумотлардан холи бўлиши (албатта, «Тошкент-2200» ёзуви киритилди) талаб этилади.

1. Танловда барча хаваскор ва профессионал ижодкорлар қатнашишлари мумкин. 2. Танлов ҳайъати томонидан голиб деб топилган энг яхши рамз Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тadbирининг расмий эмблемаси деб тасдиқланади.

«PK TREKOROKA» ЁАЖ
Юқори сифатли том қопламалари (рубероид)ни сотади.
Юқори сифатли том қопламаларидан таъмирлаш ишларини бажаради ва янгидан қоплайди.
Курилиш-монтаж ишларини бажаради.
Махсулот сертификатланган.
NSS UZ. 01.143.0513752
245-10-32, 245-11-72, 245-11-82, 303-46-59

«МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўз тасарруфидаги қўйидаги мол-мулкларни жисмоний ва юридик шахсларга сотади:

Т/р	Мол-мулк номи	Ҳажми, миқдори	Ҳолати	Бошланғич нархи	Мол-мулк сотиладиган манзил	Мурожаат учун манзил ва телефонлар
1.	Ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш ускунаси (мини цех)	1 дона	яхши	37 950 000,00	Андижон вилояти, Асака тумани, «Ниёзботир» ҚФЙ	711090, Андижон шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 48-уй, тел.: +998 (74) 224-10-89
2.	Ошхона биноси			4 655 000,00	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, «Калишох» ҚФЙ	716003, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳўчаси, 9-уй, тел.: +998 (69) 234-33-14
3.	«СДНВ-2» двигатели	1 дона	яхши	4 220 000,00	«Микрокредитбанк» АТБ Наманган вилояти филиали	716003, Наманган шаҳри, Дўстлик шоҳўчаси, 9-уй, тел.: +998 (69) 234-33-14
4.	Тўқимачилик фабрикаси биноси: умумий ер майдони — 1,44 гектар, шундан, маъмурий бино — 173,66 кв.м., 1-бостирма — 750,15 кв.м., 2-бостирма — 1509,88 кв.м., 3-бостирма — 672,48 кв.м., 133 дона «АТ-100» тўқимачилик дастгоҳи, 1 дона «СП. 140» оҳорлаш (сновальная) машинаси, 1 дона «ШБ 11» тандалаш (шлехтовальная) машинаси, 9 дона «УА-300 М» арқоқ (уточный) автомати, қозонхона тўплами, «ТП 10/0,4-400» трансформатори, 250 метр юқори кучланишли электр линияси, 7 дона темир-бетон таянчлар (симёғочлар), компрессор қурилмаси, матоларни ўлчаш-текшириш қурилмаси, 3 дона «1022» русумли тикиш машиналари,		темир-бетон девор билан ўралган	215 400 000,00	Сурхондарё вилояти, Қизилқум тумани, Сарик шаҳарча, «Гиламбоб» ш/х, «Рабатак» маҳалласи	732012, Термиз шаҳри, Навоий кўчаси, 41-«а» уй, тел.: +998 (76) 222-89-83
5.	«МТЗ-82» русумли трактор, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, двигател № 352401, завод № 378446	1 дона	соз ҳолатда	13 038 894,00	«Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилояти филиали	732012, Термиз шаҳри, Навоий кўчаси, 41-«а» уй, тел.: +998 (76) 222-89-83
6.	Эҳтиёт қисмлар: «180504» подшипники (донаси 16 054 сўмдан) лемих (донаси 14 000 сўмдан) наралынк (донаси 2 000 сўмдан) «РВД-24» шланги (рукава) (донаси 9 500 сўмдан) «ВД-24» шланги (донаси 8 240 сўмдан)	709 дона 956 дона 837 дона 512 дона 49 дона	яхши яхши яхши яхши	11 382 286,00 13 384 000,00 1 674 000,00 4 864 000,00 403 760,00	«Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилояти филиали	732012, Термиз шаҳри, Навоий кўчаси, 41-«а» уй, тел.: +998 (76) 222-89-83
7.	Электрроқар (2001 йилда Россияда ишлаб чиқарилган)	1 дона	яхши	9 963 351,00	«Микрокредитбанк» АТБ Сурхондарё вилояти Ангор филиали	732012, Термиз шаҳри, Навоий кўчаси, 41-«а» уй, тел.: +998 (76) 222-89-83
8.	Инкубатор	1 дона	яхши	9 000 000,00	«Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилояти филиали	740000, Урганч шаҳри, Абдулла Қодирий к., 2-«д» уй, тел.: +998 (62) 226-17-09

Фаргона шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежда касблар байрами фестивалининг вайом фестивалининг вайом босқичи ўтказилди.

Ўқувчилар касб танлашди

Намоийш этилган кўрғазмали воситалар, плакатлар, деворий газеталарда коллежлардаги замонавий мутахассисликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Тadbирда иштирок этган мактаб ўқувчилари ўзларини қизиқтирган 115 дан зиёд касбларни эгаллаш истганини билдирдилар.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари Ў. Жўраевга фарзанди Жасур Жўраевнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

ЎзР ФА Археология институти жамоаси институт директори Шоқир Пидаявга ўғли Жаҳонгир ПИДАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзудмуржисавлоинвест» уюшмаси бошқаруви «Ўлтуржи-койимсавло» Республика итти-сослаштирилган ултуржи база-контраси раҳбари Суннатилла Умаровга онаси Муҳаббат УМАРОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори биринчи ўринбосари Ўткир Жўраевга фарзанди ЖАСУРЖОНнинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 36374 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териял ҳақида операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Т-Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Орнотси.
Набатчи муҳаррир — А. Қутбоддинов.
Набатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳих — Х. Тошхўжаев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗАД яқуни — 21.10. Тошпирилди — 22.00. 1 2 3 4 5 6 7